

**ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И**

2022 йил 10 август куни, [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида,

раислик қилувчи: [REDACTED],

ҳайъат судьялари: [REDACTED] иборат таркибда, [REDACTED]

[REDACTED] ДУ, унинг ҳимоячиси [REDACTED], судланувчи НН, унинг ҳимоячиси [REDACTED], жабрланувчилар [REDACTED]

[REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] ва ННга оид жиноят ишини келтирилган апелляция протести ва шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судининг 2022 йил 23 июндаги ҳукмига кўра,

[REDACTED], 1979 йил 7 январда Зомин туманида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, Ўзбекистон фуқароси, оилали, “Калтўпи узумзори” ФХ раҳбари, муқаддам,

[REDACTED]

[REDACTED] асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;



3) [REDACTED]
[REDACTED] “а” банди билан ЖКнинг 45, 59, 60-моддалари тартибида, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ ўтаган, ЖИБ Янгиобод туман судининг 2018 йил 29 августдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган, Зомин тумани, Гулшан ҚФЙда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60, 61, 62-моддалари тартибида 7 йил 10 ой 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

[REDACTED], 1979 йил 19 июнда Зарбдор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, беш нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, уй бекаси, Зарбдор тумани, Булоқбоши қишлоғида яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, НН билан фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, олдиндан тил бириктириб, [REDACTED] 26.09.2019 йилда “Асака банк” АТ [REDACTED] вилоят филиалидан 1673-сонли “Микроқарз бериш тўғрисида”ги шартномага асосан олган 15.000.000 сўм микроқарз пул маблағининг 13.000.000 сўмини бериб турса кредит маблағини белгиланган муддатда сўндириб боришга ишонтириб, уни алдаб, ишончини суиистеъмол қилишиб, [REDACTED]нинг 13.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишган.

ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, жиноий ҳаракатини давом эттириб, такроран фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил сентябр ойида [REDACTED]га унинг номига [REDACTED] шаҳрида жойлашган “Халқ банки” АТ Жиззах филиалидан кредит маблағи олишни, ўзи бошқариб келаётган “Калтупи узумзори” фермер хўжалигига субсидия тариқасида олинаётган қарз эвазига пулларни қайтариб беришини айтиб, уни “Дехқончилик қилишингиз учун ер бераман, пулдан ёрдам қиламан” деб алдаб, М.Норматовнинг номига АТ “Асака банки” Жиззах филиалидан 28.09.2019 йилда 1671-сонли “Микроқарз шартномаси”га асосан 15.000.000 сўм, АТ “Халқ банки” [REDACTED] филиалидан 23.12.2019 йилда 936-сонли “Микроқарз



шартномаси”га асосан 14.000.000 сўм, Зарбдор туманида жойлашган “Агробанк” АТ Зарбдор филиалидан 14.05.2020 йилда 135-сонли “Кредит шартномаси”га асосан 10.000.000 сўм миқдорда кредит пулларини чиқариб, ушбу пулларнинг 7.000.000 сўмини, АТ “Халқ банки” Зомин туман филиалидан 24.06.2020 йилда 1128-сонли “Кредит шартномаси”га асосан 15.000.000 сўм, “Ипотека банк” АТ Жиззах филиалидан 8.000.000 сўм кредит пулларини чиқариб, [REDACTED] дан кредит сифатида олинган жами 59.000.000 сўм миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил март ойида [REDACTED] га унинг номига кредит олишини, кредитни ўзлари тўлаб келишлари, кредит тўлашда ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига ишонтириб, 2020 йил март ойида [REDACTED] номига “Агробанк” АТ Зарбдор филиалидан расмийлаштирилган пластик картасига 2.000.000 сўм миқдорда онлайн кредит олиб, [REDACTED] нинг 2.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, такроран НН билан фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2020 йил февраль ойида [REDACTED] га унинг номига кредит олишларини, кредитни ўзлари тўлаб келишлари, кредит тўлашда ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига ишонтириб, [REDACTED] номига Жиззах шаҳрида жойлашган “Асака банк” АТ Жиззах филиалидан 26.02.2020 йилда 197-сонли “Микроқарз бериш тўғрисида”ги шартномага асосан 10.000.000 сўм миқдорда, [REDACTED] шаҳрида жойлашган “Ипотека банк” АТ Жиззах филиалидан 28.02.2020 йилда 375-сонли “Микроқарз бериш тўғрисида”ги шартномага асосан 10.000.000 сўм миқдордаги кредит пуллари, яъни Д.Холиқованинг жами 20.000.000 сўм пулларини, шунингдек 2020 йил тахминан март ойида Д.Холиқованинг яшаш хонадонига бориб, уни фермер хўжалиги учун катта миқдорда кредит чиқаришини, ҳамма қарзларини тўлаб беришга ишонтиришиб, 7.000.000 сўм ва 300 АҚШ доллар (2.854.152 сўм қийматга тенг)ини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан [REDACTED] тегишли бўлган 9860030183647210-сонли пластик картасига Зарбдор тумани “Агробанк” АТБдан жами 6.700.000 сўм миқдорда онлайн микроқарз



олиб, Д.Холиқованинг 6.700.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, такроран НН билан фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2020 йил май ойида [REDACTED] картасини ишлатиб туришни, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига ишонтириб, 2020 йил май ойида [REDACTED]

[REDACTED] р тумани “Агробанк” АТБдан 1.200.000 сўм миқдорида онлайн микроқарз олиб, Н [REDACTED] 1.200.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, такроран фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил февраль ойида [REDACTED]

[REDACTED].000.000 сўм миқдоридаги субсидия чиқараётганлигини айтиб, уни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, 2021 йил февраль ойида [REDACTED] жами 35.000.000 сўм пул маблағларини 20 кун муддатда қайтариб беришга ишонтириб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 23 март куни [REDACTED] пул бериб турса, олган қарзлари билан бирга қайтаришга ишонтириб, Н.Жўраеванинг 115.000.000 сўм, жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пуллари билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи ДУ хавфли рецидивист бўла туриб, такроран фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, “Бек барака Самарқанд ИК” ХКнинг раҳбари [REDACTED] ишончига кириб, унга тегишли бўлган турли хилдаги дори-дармон маҳсулотларини сотиб беришни ваъда қилган ҳолда, ўзи раҳбарлик қилаётган “Бест Люкс Фарм” МЧЖ ўртасида 2021 йил 28 май куни 9/104-сонли шартнома тузишга эришиб, унга кўра “Бек Барака Фарм” ХКга тегишли дори-дармон маҳсулотларини олиб, уларни сотиб, пуллари билан 3 кун ичида қайтариб беришликни ваъда қилиб, баҳоси 16.215.657 сўмлик дори-дармон маҳсулотларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи НН фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] кредит олиш масаласида юрганидан хабар топиб [REDACTED] 300.000 сўм пул берса, кредит олишда ёрдам беришини айтиб, уни алдаб, 2019 йил сентябр ойида Зарбдор тумани марказида [REDACTED]

[REDACTED] тўғрисидадаги маълумотнома ва



унинг 300.000 сўм миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, НН жинойий ҳаракатини давом эттириб, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] ни яқинда банкдан кредит олиб, пулларини қайтариб беришга ишонтириб, 2021 йил август [REDACTED]

[REDACTED] ташкил этувчи тилла узук, 1 дона нархи 3.900.000 сўм бўлган “Самсунг смарт” русумли телевизор ва 2.500.000 сўм нақд пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, НН жинойий ҳаракатини давом эттириб, такроран фирибгарлик, яъни алдаш ва ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил сентябр ойида [REDACTED] б пул олишига ишонтириб [REDACTED]

[REDACTED] бгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, у ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил август ойида [REDACTED] шароити қийинлигини, унга пул бериб туришини айтиб, номига банкдан кредит олишни таклиф қилиб, кредит пулларини ўз вақтида тўлаб боришга ишонтириб, уни алдаб, [REDACTED] номига АТБ “Ҳамкорбанк” Жиззах филиалидан 19.08.2019 йилда 99046333/1774/01-сонли “Микроқарз шартномаси”га асосан 11.000.000 сўм миқдорда кредит пулларини чиқариб, ушбу пулларнинг 5.500.000 сўмини, АТБ “Савдогарбанк” Дўстлик филиалидан 20.08.2019 йилда 03/807-сонли “Микроқарз шартномаси”га асосан 18.000.000 сўм кредит пулларини чиқариб, кредит сифатида олинган Д.Абдусаломованинг жами 23.500.000 сўм пул маблағларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Ҳимоячи [REDACTED] шикоятда, судланучи НН томонидан жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган энгил жазо тайинлашни сўраган.

Судланувчи ДУ шикоятда, жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Прокурор протестида, судланувчилар ДУ ва НН томонидан жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судида судланувчи ДУнинг ҳимоячиси [REDACTED] жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ



қопланганлиги сабабли, ДУга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, раислик қилувчи [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED], ҳимоячилар [REDACTED], судланувчилар ДУ ва ННнинг протест ва шикоят важларини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция тартибидаги протест ва шикоятларни қаноатлантиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди, иш тафсилотларини тўғри аниқланиб, ДУ ва ННнинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, ДУнинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, ННнинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

ДУ ва ННнинг суд ҳукмида қайд этилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, судланувчилар ДУ ва ННнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар [REDACTED]

[REDACTED] кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари ҳамда суд ҳукмида атрофлича муҳокама қилинган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-448-моддаларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талабларига риоя қилган ҳолда суд муҳокамасини ўтказиб, ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчиларни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаган.

Суд мажлисида жабрланувчи Н.Жўраева, ДУга берган пуллари унинг қариндошлари томонидан қоплаб берилганлиги, нақд пулда 149.000.000 сўм олганлиги, ҳозирда ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ДУнинг ўзи ёки унинг қариндошлари томонидан аризани ёзиб бериб туриши, етказилган зарарни кейинчалик қоплаб беришлари ёки шунга ўхшаш келишувлар бўлмаганлиги, судда шундай кўрсатув бериш ҳақида ҳам илтимослар ва тазйиқлар бўлмаганлиги ҳақида;

жабрланувчи Д.Абдусаломова, ДУга берган пуллари унинг қариндошлари томонидан қоплаб берилганлиги, нақд пулда 23.500.000 сўм олганлиги, ҳозирда ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз



хоҳиши билан ёзганлиги, ДУнинг ўзи ёки унинг қариндошлари томонидан аризани ёзиб бериб туриши, етказилган зарарни кейинчалик қоплаб беришлари ёки шунга ўхшаш келишувлар бўлмаганлиги, судда шундай кўрсатув бериш ҳақида ҳам илтимослар ва тазйиқлар бўлмаганлиги ҳақида;

жабрланувчи Д.Хансиверова, ДУ ҳамда ННларга берган пуллари уларнинг қариндошлари томонидан қоплаб берилганлиги, нақд пулда 19.700.000 сўм олганлиги, ҳозирда ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ДУ ва ННнинг ўзлари ёки уларнинг қариндошлари томонидан аризани ёзиб бериб туриши, етказилган зарарни кейинчалик қоплаб беришлари ёки шунга ўхшаш келишувлар бўлмаганлиги, судда шундай кўрсатув бериш ҳақида ҳам илтимослар ва тазйиқлар бўлмаганлиги ҳақида;

жабрланувчи Д.Холиқова, ДУ ҳамда ННларга берган пуллари уларнинг қариндошлари томонидан қоплаб берилганлиги, нақд пулда 29.854.152 сўм олганлиги, ҳозирда ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ДУ ва ННнинг ўзлари ёки уларнинг қариндошлари томонидан аризани ёзиб бериб туриши, етказилган зарарни кейинчалик қоплаб беришлари ёки шунга ўхшаш келишувлар бўлмаганлиги, судда шундай кўрсатув бериш ҳақида ҳам илтимослар ва тазйиқлар бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш чоғида жабрланувчилар томонидан ДУ ва ННнинг қариндошлари томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлиги ҳақида аризалар тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида, ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, юқорида қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига мувофиқ, иш бўйича етказилган моддий зарар қоплангани сабабли ДУга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини



тайинлашни, ННга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Шу билан бирга судлов ҳайъати, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги муносабати билан, ҳукмнинг қарор қисмидаги ДУ ва ННдан жабрланувчилар фойдасига моддий зарарни ундириш қисмини бекор қилишни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³, 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилади,

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судининг 2022 йил 23 июндаги [REDACTED] оид ҳукми ўзгартирилсин.

ДУга ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ДУга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман судининг 2017 йил 10 июлдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмасдан қолган 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман қўшилиб, узил-кесил ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ДУнинг 2022 йил 8 февралдан 13 майга қадар, 2022 йил 4 июндан 10 августга қадар қамоқда сақланган 5 ой 11 куннинг ҳар бир куни ЖКнинг 62-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, 1 йил 4 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталган деб ҳисобланиб, ўташ учун 1 йил 7 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазо мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ДУнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

ННга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ННнинг 2022 йил 4 июндан 10 августга қадар қамоқда сақланган 2 ой 6 куннинг ҳар бир куни ЖКнинг 62-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, 6 ой



18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталган деб ҳисобланиб, ўташ учун 1 йил 5 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазо мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ННнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олиниб, ҳукмнинг судланувчи ДУдан жабрланувчи [REDACTED]

фойдасига 23.500.000 сўм ундириш қисми бекор қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция тартибидаги протест ва шикоят қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Ҳайъат судьялари:

ИМЗО

ИМЗО

Аслига тўғри [REDACTED]

